# Тошкент оқшоми

2012 йил 7 март, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (12.108)

Баҳоси эркин нархда


**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**



## ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

***Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фаоллигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида Мустаҳкам оила йили ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган аёллар таклиф этилди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган тизимли, босқичма-босқич ислоҳотлар самарасида мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафи миллий кадрлар билан тўлдирилиб, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан етук, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди.

*(Давоми 2-бетда)*

***Мамлакатимизда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳар йили юксак савияда, кўтаринки кайфиятда байрам қилинади.***

## ТАРОВАТЛИ КУНЛАР ҚУВОНЧИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тадбирида бу алоҳида таъкидланди. Байрам дастурхонига мунис онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган фаол аёллар, ибратли оилалар бекалари, талаба ва ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

– Туманимизда 14 минг нафардан зиёд хотин-қиз истиқомат қилади, – дейди Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. – Уларнинг 30 фоиздан кўпроғи тадбиркор аёллардир. Ўтган йили туманимиздаги йирик корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, юздан зиёд хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Яқинда фаолият бошлаган тўқимачилик корхонасида аёллар учун икки юзта янги иш ўрни яратилди. Мустаҳкам оила йилида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ҳар бир оиладаги маънавий муҳитни ўрганишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Қизларни ҳаётга тайёрлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириб, турмуш кўникмаларини шакллантириш мақсадида 12 маҳалла фуқаролар йиғини қошида ҳунар ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказларда ёшлар «устоз-шогирд» анъанаси асосида гилам тўқиш, зардўзлик, каштачилик ва миллий либослар тикиш сирларини ўрганмоқда.

Байрам шодиёналари Ҳамза туманида ҳам кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Тўрт юз нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этган байрам тадбирида оила қўрғонининг чароғбони бўлган аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.

– Юртимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларни эъзозлашга алоҳида эътибор берилмоқда, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Ҳамза тумани бўлими раҳбари Муқаддас Холиқова. – Бугун аёлларимиз илм-фан, санъат, спорт, иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Туманимизда ёш қизларни ҳаётга тайёрлашга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилувчи қизиқарли тўгараклар ташкил этилган.

**(ЎзА)**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## БАНКЛАР САРМОЯСИ — ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имкониятларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Бунинг самарасида ўз бизнесини йўлга қўйиб, эл-юртимиз фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётган оилавий тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиш, аввало, шинам уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалар ижроси тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Пойтахтимизда Мустаҳкам оила йили муносабати билан Ўзбекистон Марказий банки, тижорат банклари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўтган йили тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига 4 триллион 41 миллиард сўм сармоя ажратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тобора кенгайиши мамлакатимизда бугунги тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган мустаҳкам иқтисодиётни шакллантиришда, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тижорат банклари кичик бизнес субъектлари ҳамда таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштиришга доимий эътибор қаратмоқда.

– «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4,5 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти директори А.Сайфуллаев. – Мазкур ресурсларнинг 843 миллиард сўмдан кўпроғини микрокредитлар ташкил этади. Бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 28,3 миллиард сўм, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 68 миллиард сўмдан ортиқроқ имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Шунингдек, Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган 40 миллиард сўмдан зиёд кредит кичик тадбиркорлик субъектларининг юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин, меҳнат ресурслари зич туманлар ва шаҳарларда жойлашган микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Тадбирда ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, хусусан, уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2012-2013 йилларда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан замонавий уй-жой қурилиши режалаштирилгани қайд этилди. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун ҳар бир тижорат банкида «Ёш оилаларга – истеъмол кредитлари» дастури тайёрланди. Унга мувофиқ, ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача 3 йил муддатга узоқ муддат фойдаланиладиган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари учун кредитлар ажратилади.

Тадбирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, аҳолининг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат техника университети қошидаги 5-сонли академик лицейда «Эъзоздасиз, азиз аёллар» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

✓ **МИРЗО УЛУҒБЕК** туманидаги 50-мактабда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Аёл миллатнинг кўзи» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейда эл ардоғидаги адиблар, шоирлар ҳамда ўқувчилар иштирокида икки авлод учрашуви ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ёшлари ўртасида ўтказилган «Окно в Европу» VII халқаро фестивалида Андижон тумани Т.Содиқов номидаги 7-махсус мусиқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Искандар Собиржонов халқ чолғулари ижрочилиги номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. У энди Германия ва Францияда келгуси йили ўтказиладиган халқаро мусиқа анжуманида иштирок этади.**

● **Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг пост-патруль хизмати саф бўлинмалари ҳамда назорат-лицензиялаш тизими фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган минтақавий ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

● **Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совғаси – спорт кийимлари топширилаётир. Қарши шаҳридаги «Геолог» спорт-соғломлаштириш марказида ўтказилган тадбирда маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мураббийлар, таълим муассасалари ўқувчилари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Унда икки минг нафарга яқин ўқувчи қизга спорт кийимлари топширилди.**

● **Самарқанд шаҳридаги кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «8 март» корхонасига 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб этилиб, кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада бу ерда 420 та иш ўрни яратилди. Улар кучи билан ўтган йилнинг ўзида 2,9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан 120 минг долларлиги экспортга жўнатилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Ҳиндистон ҳукумати пахта экспортини вақтинча тўхтатди. Бу мамлакатнинг ички талабларини қондириш мақсадида амалга оширилмоқда. «Cotton Textiles Export Promotion Council» ташкилоти ижрочи директори Сиддхартха Ражагопалнинг сўзларига кўра, ҳар йили Ҳиндистон дунёнинг кўплаб давлатларига 8,4 миллион той (бир той – 170 килограмм) пахта экспорт қилади. Мутахассисларнинг айтишича, пахта ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистонда 2012 йилда «оқ олтин» ҳосилдорлиги пасайиши кутилмоқда. Маҳсулотга талаб эса йил сайин ошмоқда.**

● **Кеча Германиянинг Ганновер шаҳрида «Ақлли темир одамлар» — роботларнинг сўнгги ишланмалари ўрин олган йирик халқаро кўргазма очилди. Унда расм чизувчи, уй бекасига ёрдамчи ва якка-ёлғиз қарияларга кўмакдош бўлган роботлар намойиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

● **Мадагаскарга хуруж қилган «Ирина» номли тропик пўртана оқибатида 65 киши ҳаётдан кўз юмди, етмиш мингга яқин киши бошпанасиз қолди. Сониясига 55 метр тезликда эсаётган кучли тропик шамол ороллнинг аксарият қисмини вайронага айлантирди.**

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУХТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

## ПОЙИНГНИ БЕЗАЙ ДЕБ ГУЛ ДАСТАЛАНДИ

Баҳор юз очди. Ён-атрофга боқсангиз ажиб манзарани кўрасиз. Қаранг, саҳар сурмаранг рўмолини бошига илади-ю, уйғонаётган майсалар шивири қулоқларингизга келиб урилади. Сарин еллар тоғрайҳонлар бўйини димоғингизга етказмоқ илинжида саросар кезади. Қушчалар ўз лаҳжаларида сўзлашадилар. Бутун борлиқ тонг олдидан шўхчан мушоҳада баҳсига киришган, гўё.

Ўйлай бошлаймиз, бу кўҳна дунёда ҳали биз ажратолмаган ранглар, биз тушунолмаган қўшиқлар, биз англаб етмаган сиру синоатлар кўп. Бу синоатлардан ҳам кўра улканроқ жумбоқ бор. Бу аёлнинг қалби! Тонгдан олдинроқ уйғонувчи аёл қалбидаги меҳри билан борлиқни мушоҳадага ундайди, сўнг тириклик оламини уйғотади-ю, ўз меҳри билан қайноқ ҳаётнинг бағрига узатиб қолади. Кунларимизга ва умримизга мазмун бахш этаётган, эзгу қалб соҳибасига кўксимизда беихтиёр шукроналик ҳислари уйғонади. Шоирамиз ёзганларидек:

**Аёл, сен яралдинг,**
**Дунё ҳам орасталанди**
**Пойингни безай деб гул дасталанди**
**Меҳринг ва сеҳрингдан куй басталанди**
**Сўнг қошу ёйингдек пайвасталанди**
**Сенинг борлигингга минг бора шукр!**

Меҳр маъбудаси — Аёлни қаршилайлик, унга таҳсинлар айтайлик, дегим келади. Яқинда ўзимга қадрдон аёлни учратдим. Мириқиб суҳбатлашдик. Дорилфунунда ўқиётганимда менга устозлик қилган бу аёл ҳозирги вақтда маҳалла маслаҳатчиси, ўсмир қизлар билан ўтказадиган суҳбати мавзусини «Ватан учун бахт яратинг» деб номлабди.

— Аслида шундай бўлиши ҳам керак-да, — деди опа бунга изоҳ бераркан. — Ўсиб улғаяётган қизларимизга оналик масъулияти ва Ватан келажаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида уқтириб боришимиз зарур.

Дарҳақиқат, оналикдек улуғ мартабага эришиш осон кечмайди. Чунки соғлом авлодни дунёга келтириб уни оёққа турғазиш оналардан етарлича билимдонликни талаб этади. Донолар «Аёл илмли бўлса миллат илмли бўлади» деганлар. Бу кун балоғатга етаётган ҳар бир қиз шу нарсани англаб етса, чиндан ҳам Ватан учун бахт ярата олади. Ахир аёлнинг биринчи вазифаси миллатга жисман ва руҳан соғлом насллар етказиб беришдан иборат. Шунинг учун оналик ва болалик муҳофазаси юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Янги давр қизларининг изланувчанлигини кўриб янада ҳавас қиласан киши. «Ҳали шундай замонлар келадики, ул вақт қизлар дунёвий билимлар таҳсилига муяссар бўлишади, илм тахтини эгаллаб, улуғлар сафига қўшилишади, ғайрат ва меҳнатда ҳурмату иззатга эришадилар» дея ёзган экан замонасининг фозила аёли Анбар Отин. Икки асрча аввал башорат қилинган шу сўзлар бугунга келиб ростга айланди. Қизларимиз турли соҳалар ривожига ҳисса қўшиб нафақат Ўзбекистонда, балки ўзга юртларда ҳам ғолиблик шоҳсупасини забт этишаяпти, санъату спортда, билимдонлигу зукколикда дунё аҳлини қойил қолдиришмоқда.

Шундай қизлардан бири — Мадина Расулова Ўзбекистон Миллий университетининг биология ва тупроқшунослик факультетида ўқийди. У тиришқоқ ва изланувчан. Эндиликда Россиянинг Менделеев номли ва халқаро Сумитимо стипендияларини ҳам олаяпти. Мадина билан суҳбатлашганимда у дилидагиларни биз билан ўртоқлашди:

— Бир нечта чет давлатларда бўлдим, лекин она юртимиздан ўзга гўзалроқ жойни учратмадим. Вақтлар ўтгани сари одам ўз Ватанига янада кўпроқ боғланиб қоларкан. Айниқса эгаллаётган касбингни севсанг, атрофингдагиларни эъзозласанг ва уларнинг эътиборига тушсанг бу боғланиш янада чуқур илдиз отади. Ўзингни шу юртдаги инсонлар ҳаётига масъул ҳисоблай бошлайсан. Менимча бу жавобгарлик ҳисси бора-бора мустақил Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан қоришиб кетади!

Ҳа, билимдон қизларимиз, шунингдек, ҳам оилада, ҳам жамиятда кўпчиликка ўрнак бўлаётган аёлларимиз учун ҳар қанча таърифу тавсифлар озлик қилади.

Озод юрт келажаги учун муносиб фарзандлар тарбиялаётган, турли соҳаларда фидойилик кўрсатаётган меҳнаткаш аёллар...Қаҳрамон, депутат, раҳбар, орденли аёллар...

Оиласини, фарзандларини суйиб-ардоқлаб, уларга бор меҳрини бериб, аҳил ва ибратли хонадонини элга маъқулу манзур қилмоқ илинжида елиб-югураётган аёллар...

Ҳар бирининг юрагида адоқсиз муҳаббат, куч-ғайрат ва шижоат бор, ҳар бири қайноқ меҳри билан кўнгилларни иситади, ҳаётни севишга ундайди. Токи яшар эканмиз, Аёлнинг бу меҳр-муҳаббати бутун оламни суяб турганлигини англаб етамиз.

Ассалом Аёл, сен ҳамиша яхшисан!

Ҳар бир тонг сари босган қадаминг ҳамиша қутлуғ келаверсин.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## ОНА ДУОСИ

***Онажоним ҳар дам сездим***
***нажот экан дуоингиз.***
***Жисмингиз йўқ, аммо мудом***
***ҳаёт экан дуоингиз.***
***Фарзанд бахтин тилаб ўтди***
***умр гоҳи шод, нолон***
***Яхши ният ҳам орзуга***
***қанот экан дуоингиз.***
***Сизга неки қилдим, қайтди***
***мана ўғил-қизларимдан***
***Ожиз ақл мактабига***
***савод экан дуоингиз.***
***Гоҳи аччиқ, гоҳи ширин***
***тотдим ҳаёт мевасин***
***Ҳазин, синиқ бўш кўнгилга***
***сабот экан дуоингиз.***
***Тилак танҳо кўрмай дейди***
***фарзанд доғин кўзларингиз***
***Оҳ, деса гар дилбандингиз***
***фарёд экан дуоингиз.***
***Қўл очсангиз рўёб бўлар***
***Шукур истак хаёллари***
***Ҳаёт боғин яратгувчи***
***бунёд экан дуоингиз.***

***Шукур ДАДАШ***



***Аёл — гўзаллик, муҳаббат тимсоли. У меҳрибон она, азиз опа - сингил, суюкли ёр бўлгувчи мўътабар зот. Шу билан бирга, барча замонларда ҳам эътибор ва ҳурматга сазовор сиймо. Аёл қайси соҳада ишламасин, нафосат ва назокат соҳибаси сифатида эъзозланади.***

**Замондошларимиз**

## МЕҲНАТ БИЛАН ИЗЗАТ ТОПГАН

Жамиятнинг тараққиёти юксалиб бораётган бугунги даврга келиб, аёллар турмушнинг барча соҳаларида эркаклар билан баб-баробар фаолият юритишмоқда. Айниқса, ички ишлар идораларида барча касб машаққатларини енгиб, эл-юрт осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб хизмат қилаётган аёлларни бугунги кунимиз қаҳрамонлари деб бемалол айтишимиз мумкин.

Ана шундай лобар аёллардан бири, подполковник Лола Имомовадир. Дастлаб ИИВ молия-иқтисод бошқармасида ҳисобчи вазифасида ишни бошлаб, тез орада муҳандис-иқтисодчи даражасига етган Лолахон ҳозирда бош мутахассис лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Аёл киши учун ички ишлар идорасида хизмат қилиш осон эмас, албатта. Лолахон танлаган ишини севгани учун у ўз касбининг чинакам устасига айланди. Молия-иқтисод бошқармаси томонидан тузилаётган ҳар бир шартноманинг ниҳоятда пухта бўлишига ҳаракат қилади ва улар бўйича алоҳида ҳисоб-назорат ишларини олиб боради. Ҳисоботлар асосида Молия вазирлиги Ғазначилиги билан бевосита ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишни назорат қилишнинг ўзига яраша мураккаб томонлари бор. Аммо у ўз касбига меҳр қўйганлиги боис, ушбу машаққатларни енгиб ўтиб қўл остидаги шогирдларига ишга ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ёндашиш зарурлигини доимо таъкидлаб келади.

Ўтган давр ичида халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари, хизмат вазифаларини бажаришда эришган ютуқлари, аъло хизматлари учун Лолахон «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги» эсдалик нишони ва эсдалик қўл соати билан тақдирланган. Ўз қасбига чуқур масъулият билан ёндашган ҳолда меҳнат қилиб, ўзини ишчан ва интизомли ходим сифатида кўрсатиб ҳамкасблари орасида катта обрў-эътибор қозонган.

Халқ дарди, эл-юрт осойишталиги йўлида тиним билмай, хизмат қилаётган Лолахондек метин иродали, серғайрат аёлларимиз доимо омон бўлишсин!

**Шаҳло БОБОЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ИҲҲҚ ва ЮТБ инспектори**



## ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Армия сафларида ўз ҳаёти ва фаолиятини, тақдирини Ватан ҳимояси билан чамбарчас боғлаган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мамлакатимизда аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга доир эзгу ишлар ҳарбий хотин-қизларнинг ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

– Мамлакатимизда биз, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилаларимизни мустаҳкамлаш, уй-жой ва маиший шароитларни яратишга давлатимиз томонидан катта аҳамият қаратилмоқда, – дейди кичик сержант Дилафрўз Раҳматова. – Кейинги йилларда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши бир неча баробар ошгани, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани бунинг далилидир. Ватан ҳимоячилари байрами арафасида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланганим қалбимни чексиз ғурурга тўлдирди.

Тамара Тожимуродова болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилган. У Нукус алоқа коллежини муваффақиятли тамомлаб, ўн бир йилдирки, ҳарбий қисмларнинг бирида алоқачи бўлиб меҳнат қилмоқда. Ҳарбий либоси ўзига ярашган Тамара икки фарзанднинг онаси.

– Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан ҳарбий хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни ўз фаолиятимиз, шахсий ҳаётимизда ҳис этиб яшаяпмиз, – дейди Т.Тожимуродова. – Умр йўлдошим ҳам ҳарбий хизматчи. Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар самарасида биз ҳам уй тўйини нишонлаш арафасидамиз.

– Аёл қайси касбни эгалламасин, у энг аввало оқила бека, соғлом ўғил-қизларнинг онаси бўлмоғи шарт, – дейди оддий аскар Чарос Расулова. – Негаки, фарзандларни мардлик ва жасурлик, ватанпарварлик руҳида вояга етказиш кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ. Президентимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътибор энг устувор вазифамиз – ёшлар тарбиясига катта масъулият билан ёндашишга, мустақиллигимизни, тинч ва осойишта кунларни асраб-авайлашга, унинг ҳимоясига ҳамиша шай туришга даъват этади. Зеро, Ватан, Она каби муқаддас тушунчаларни бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбир иштирокчилари ватанпарварлик, фидойилик, мардлик рамзига айланган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

**(ЎзА)**

**Тадбирлар**

## ДИЛТОРТАР КУЙ-ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

**Аёл номли атиргулим,**
**Сен сулувсан сунбул гулим**
**Алвон, анбар,**
**хушрўй гулим,**
**Заминдан то осмонгача**
**Ўзи битта ёнар гулим!**

Дарҳақиқат, аёллар гулдай нафис, гулдай латофатли ва ифорли, уларга ҳар қандай таъриф кам, ҳар қандай эътироф оз, жозибадор ва жарангдор сўзлар эса ожиз. Айни кунларда шаҳримизнинг барча масканларида ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш аёллар байрами Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш мақсадида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Олмазор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган байрам тадбири «Аёл оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони» деб номланди.

Унда таълим, тиббиёт муассасаларида, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган аёллар, маҳалла фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, спорт мусобақалари ғолиблари, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг иқтидорли талаба ва ўқувчи қизлари, жами 700 нафар хотин-қизлар иштирок этди.

«Тантана» гуруҳининг концерт дастури кечанинг файзли ва тароватли ўтишини таъминлаб берган бўлса, «Шаҳноз» ўқув маркази ходимлари томонидан ташкил этилган миллий либослар кўргазмаси барча иштирокчиларда байрамона кайфият уйғотди.

Шунингдек, туманда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, жумладан, «Оникс«, «Галеника«, «Аъло-омад ривож« каби корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдо кўргазмалари ташкил қилинди.

Тадбир сўнгида туманда фаолият олиб бораётган фаол аёллар шаҳар, туман ҳокимликларининг ва хотин-қизлар қўмиталарининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири дилрабо куй ва қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда, мазмунли ва мароқли ўтди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА,**
**Алексей Попов олган сурат**

## АДАБИЙ-МУСИҚИЙ ТАДБИР

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда «Аёл билан олам мунаввар» мавзуида адабий-мусиқий тадбир ўтказилди. Унда илғор ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш борасидаги изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Бу жараёнда аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш – доимий эътиборда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги таълим масканларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараклари қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтириш, ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларга ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар аҳамиятини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Коллежимизда чеварлик, заргарлик, бадиий либослар, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги сингари йўналишларда мутахассислар тайёрланади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Дилфуза Ёрмуҳамедова. – «Ораста қизлар» тўгарагининг ташкил этилгани бу ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ўқувчи-қизлар ўз йўналиши бўйича пухта билим олиши, касб-ҳунар сирларини эгаллаши билан бирга фан, бадиий ижодиёт тўгаракларида фаол қатнашмоқда. Коллеждаги сузиш ҳавзаси, спорт зали, теннис майдони ёшлар ихтиёрида.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

## АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

***Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Аёлларни эъзозлаш – миллий қадрият» мавзуида маърифий тадбир ўтказилди. Унда олималар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба-қизлар иштирок этди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг маънавий, интеллектуал савиясини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун юртимизда изчил тараққий этаётган тиббиёт, педагогика, полимерлар кимёси, микробиология, адабиётшунослик, тилшунослик каби соҳаларда олима аёллар сафи тобора кенгаймоқда. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан олима аёлларнинг илмий тадқиқотлар олиб бориши, улар учун зарур имконият ва шароитларни яратиш, фаннинг турли йўналишларида самарали изланаётган иқтидорли қизларни аниқлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Президент стипендияси совриндори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ҳулкар Сулаймонова 2006 йилда Наманган вилояти Чортоқ туманидаги педагогика коллежини тамомлаган. Ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик институтининг магистратура босқичида таълим олмоқда.

– Институтимизда иқтидорли қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, нуфузли стипендияларга сазовор бўлган ёшлар кўп, – дейди Ҳулкар. – Билим олишимиз, тадқиқотлар олиб боришимиз учун барча зарур шароитлар яратилган. Истеъдод эгаларига кўрсатилаётган бундай эътибор ва рағбат бизни янада фаол бўлишга, юксак ишончни оқлашга ундайди.

Тадбирда адабиётшунос, санъатшунос, тилшунос, тарихчи олима аёлларнинг тадқиқотлари, илмий изланишлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Санъаткорлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, юксак маънавий фазилатларга эга бўлиб улғайишини истайди. Бунда ўйинчоқларнинг аҳамияти катта.***

## Юксак маънавият — енгилмас куч

# ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган «Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги – баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзуидаги давра суҳбатида фарзандларимизнинг дунёқарашини кенгайтирадиган, руҳиятига ижобий таъсир қиладиган, саломатлигига путур етказмайдиган, миллий менталитетимизга мос ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида парламент қуйи палатасининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раиси У.Муҳаммадиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фарзандларимизни миллий қадриятларимизга зид таъсирлардан асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, «устоз-шогирд» анъаналари асосида миллий ўйинчоқлар ясаш сирларини авлоддан-авлодга етказиб келаётган уста-ҳунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Болалар соғлиғига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз ўйинчоқлар мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар орқали кириб келишининг олди олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бадиий-техник кенгаш ташкил этилиб, болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги ва барча талабларга мослиги доимий назорат қилиб борилаётир.

Аммо бозорларимизда хорижда ишлаб чиқарилган, миллий менталитетимизга, урф-одатларимизга тўғри келмайдиган, болаларнинг руҳияти ва маънавий-ахлоқий дунёсига салбий таъсир қилувчи ўйинчоқлар ҳамон сотилаётгани ҳам сир эмас. Давра суҳбатида ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ўйинчоқларнинг кимёвий, техник, педагогик, психологик, маънавий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш ҳамда бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Тадбирда навқирон авлодни тарбиялашда ўйинчоқларнинг ўрни ва аҳамияти, таълим-тарбия жараёнида болалар ўйинчоқларидан самарали фойдаланиш методикаси каби мавзуларда маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**




***Кеча шаҳримизнинг бир нечта туманларида «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда иштирок этишга муносиб деб топилган тадбиркор ва ҳунармандлар белгиланган шартлар асосида ўзаро беллашишди. Сергели туманида ўтказилган кўрик-танловда ҳам шижоати баланд, куч-ғайратга тўла 30 га яқин тадбиркорлар малакаларини намойиш этишди.***

## «Ташаббус — 2012»

# ЮТУҚЛАР РАҒБАТИ

— Юртимизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликка жуда катта йўл очилган, — дейди Сергели тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Холида Низомова. — Асосий иш ўринларимизнинг 70-75 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчиликка йўналтирган ҳолда фаолият олиб бормоқдамиз. Йирик корхоналар бир нечта кичик корхоналарга бўлиниб, зарур ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида турли хил йўналишларга ихтисослаштирилган. Ва ушбу танловда қилган меҳнатларининг салмоғини кўрмоқдалар. Бу йилги дастур бўйича 5247 та иш жойларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, шулардан 3223 таси кичик бизнес соҳаси вакилларига мўлжалланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, иштирокчилар орасида рақобатбардош товарлари билан ички ва ташқи бозорда нуфузи ортиб бораётган тадбиркор жамоалар ҳам, кечагина иш бошлаб ўз ғояларини илдамлик билан амалда исбот этаётган ишбилармонлар ҳамда ота-боболаримиз ҳунарларини эъзозлаб ҳозирга қадар давом эттириб келаётган ҳунармандларни ҳам учратиш мумкин.

Танловда ғолибларни аниқлашда янги иш ўринлари яратишдаги фаоллиги, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, иқтисодий кўрсаткичлар, барча солиқ ва мажбурий тўловларнинг вақтида бажарилганлиги, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланаётгани, янги лойиҳалар устидаги изланишлар, маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш сингари жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Танлов сўнгида кўзда тутилган номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирландилар. Яъни 1-ўринга «Rezalit» лок-бўёқ ишлаб чиқарадиган корхона лойиқ деб топилди. 2-ўринга ҳайъат аъзолари «Делекс Нио» сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонани муносиб деб топишди. 3-ўрин «Нодирабегим Қандолат» хусусий корхонасига насиб этди.

Шунингдек, «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди», «Йилнинг энг яхши аёл тадбиркори», «Ёшларга энг кўп иш ўринлари яратган корхона» ва бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиб ҳамда совриндорлар рағбатлантирилди.

**Фарруҳ БАХРОМОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

ҚАДРЛИ АЁЛЛАР, ҲАМКАСАБАЛАР, СЕВИМЛИ БУВИЖОНЛАР, ОПАЛАРИМИЗ ВА СИНГИЛЛАРИМИЗ, КЕЛИНЛАР ВА ДИЛБАР ҚИЗЛАРИМИЗ!

“Тошрангметзавод” ОАЖ жамоаси барчангизни

8 Март —

Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан қутлайди.



Олимлар, педагоглар ва тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, ташкилотлар раҳбарлари, муҳандислар ва ҳунармандлар сифатида мустақил Ватанимиз ривожига қўшаётган улкан ҳиссангизни эътироф этган ҳолда энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз. Бахт, омад, соғлиқ-саломатлик, тинчлик, хотиржамлик сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

IPOTEKA BANK

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ИПОТЕКА» БАНКИ ЖАМОАСИ

Шаҳримизнинг мунис, оқила аёлларини
8 март - Халқаро хотин-қизлар Байрами
Билан энг эзгу тилакларни изҳор этган
ҳолда қутлайди.

Азиз онахонлар, опа-сингиллар.
Барчангизга оилавий Бахт,
мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда омад
Ва муваффақиятлар тилаймиз!

Яхши кайфият доимий
ҳамроҳингиз Бўлсин!






***Яқинда Россия Халқлар дўстлиги университетида бўлиб ўтган VI Москва халқаро тиллар фестивалида 2500 нафардан зиёд иштирокчи ҳозир бўлди.***

# БУЮК НАВОИЙ ТИЛИ МОСКВАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ушбу фестиваль турли халқлар тилларининг ранг-баранглиги, миллатлараро дўстлик ва эркин мулоқот намойиш этиладиган ўзига хос тиллар анжуманидир. Унда барча халқлар ва уларнинг тиллари бирдай ҳурмат қилинади, барчасига нисбатан бирдай қизиқиш кузатилади. Мазкур анжуманда халқимизнинг она тили — ўзбек тили ҳам кўҳна адабий тиллардан бири сифатида тақдим этилди.

Фестиваль меҳмонларига ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихи ва босқичлари, лаҳжалари ва фонетик хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари Ўзбекистоннинг бой тарихи, унинг бетакрор илмий, маданий ва адабий мероси, табаррук заминимизда яшаб ижод қилган машҳур аллома ва мутафаккирлар ҳақидаги саволларига ҳам муфассал жавоб олдилар.

— Ушбу фестивалимизда илк маротаба ўзбек тилининг тақдим этилгани бизни жуда қувонтирди, — деди **VI Москва халқаро тиллар фестивали директори Ирина Гончарова.** — Ўзбек тили тақдимоти 70 дан ортиқ тиллар тақдим этилган фестивалнинг катта дастуридаги асосий қисмларидан бири бўлди. Бу ерда тилшунослик ва маданиятшунослик бўйича турли маърузалар тингланди. Анжуманимизда турли халқлар маданиятлари тақдим этилиши жуда муҳимдир, чунки тил – бу маданият, менталитетнинг ёрқин ва муҳим қисмидир. Агар бизлар бир-биримизни тўғри тушуниб, тил ва маданиятимизни ҳурмат қилар эканмиз, шубҳасиз, олам янада гўзал бўлади, деб ўйлайман.

— Мен Халқаро тиллар фестивалининг доимий қатнашчисиман, — дейди **М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фалсафа факультети аспиранти Мария Кирбенева.** — Жорий йили ушбу тадбирда ўзбек тили ҳам тақдим этилганидан жуда хурсандман. Мен айнан ўзбек тили тақдимотида иштирок этиш учун келдим. Чунки бундан бир неча йил олдин Ўзбекистонда бўлган чоғимда мамлакатингиз менда унутилмас таассуротлар қолдирган эди. Сафарим давомида ўзбек тилига бўлган қизиқишим янада ортган эди. Бугунги тадбирда ўзбек тили ўзига хос тарзда, яъни шеърлар, уларнинг пурмаъно мазмун-моҳияти асосида кўпчиликка тушунарли тарзда тақдим этилгани менга жуда ёқди. Жумладан, рубоий жанри ва унинг ўзига хосликлари ҳақидаги билимларимиз янада ошди. Мен шундай жанр борлигини билар эдим, аммо бугунга қадар бу ҳақда атрофлича тасаввурга эга эмас эдим. Буюк Алишер Навоий ижодига мансуб шеърлар ўзбек тилида ниҳоятда чиройли янграганини эътироф этишим керак.

**Россия Халқлар дўстлиги университети магистри, «Келажак овози» грантлари ғолиби Ҳабибулло Пирматов** ўзининг фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, тил ҳар бир халқнинг буюк мероси экани ҳолда у минглаб йиллар давомида халқнинг ардоғида бўлишини қайд этди.

— Ушбу халқаро фестивалнинг асосий мақсади она тилининг муҳимлиги ғоясини яна бир бор таъкидлаш ва ўзига хос маданиятга мансубликни теран англаш билан изоҳланади, — деди у. Анжуман доирасида жаҳоннинг кўплаб тиллари қаторида ўзбек тилининг тақдим этилгани бизни бениҳоя қувонтирди. Ҳавонинг нисбатан совуқлиги ва бу тадбир дам олиш кунлари ўтказилаётганига қарамай, ўзбек тилининг тақдимотига жуда кўплаб меҳмонлар келишди. Тақдимот қатнашчилари буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бетакрор асарлари билан таништирилди. Чунки уларнинг ҳар бир асари халқимизнинг бетакрор ва бебаҳо меросидир.

Халқаро тиллар фестивали минглаб иштирокчиларни ўзига жалб қилгани ҳолда бир неча йилдан буён дунёнинг турли мамлакатларида ўтказиб келинмоқда. Унинг ўзига хослиги шундаки, ушбу анжуман пештахталар асосида ўтказиладиган тил курсларининг одатий тижорий ярмаркаси эмас, балки мўъжаз дарслар кўринишидаги дунёнинг турли халқлари тилларининг очиқ тақдимотидир.

**«Жаҳон» АА**
**Москва**

Тадбирлар

# ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ

***Жорий йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Зеро, жамиятни, инсон турмушини оиласиз тасаввур этиб бўлмайди.***

Ҳар бир давлатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий муносабатлар оилавий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Оила муносабатлари ижтимоий масала сифатида бугунги ҳаётимизда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, «Шарқ аёли» аёллар халқаро жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Иқтидорли болалар» халқаро инновацион лойиҳаси ва бошқа ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Аёл, оила ва инновация» деб номланган байрам тадбирини ўтказди. Унда барчага кўтаринки руҳ бағишлаган турли миллатлар вакиллари бўлган иқтидорли ёшларнинг рақслари, ашулалари ва мусиқа санъати намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат, оила манфаатларининг ишончли ҳимояси, оила ва оилавий муносабатларда, инновацион жараёнларда хотин-қизларнинг роли, «Устоз-шогирд» тизими ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир давомида жамиятимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар тадбир ташкилотчилари томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб очилган анъанавий кўргазма ана шундай номланди.***

Кўргазмалар

# БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Кўргазмага иқтидорли мўйқалам соҳибларининг 200 га яқин ишлари қўйилган бўлиб, мусаввирлар орасида Вера Нечаева, Дилором Мамедова, Татьяна Гончарова, Виктория Трошина, Галина Мордвинцева, Нодира Қўзиеваларни учратишимиз мумкин. Пейзаж, натюрморт, портрет, абстракт композиция каби жанрларда яратилган ранг-баранг асарлар ўзининг нозик қирраларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ўйлаймизки, кўргазмага ташриф буюрувчилар ва нафис асарлар мухлислари бетакрор ижод намуналаридан бир олам завқ оладилар.

**Даврон НУРМАТОВ**
**Алексей Попов олган сурат**



***Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида таэквондо ITF бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида уч юз нафарга яқин ёш спортчи ғолиблик учун куч синашди.***

Таэквондо

# МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

Мазкур чемпионат юртимиз ёшларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, терма жамоа таркибини иқтидорли спортчилар билан тўлдиришга хизмат қилади. Мусобақада пойтахтлик Илҳом Ражабов, Маъмур Нурматов, Зуҳра Эргашева, Ольга Цой, Кристина Квон, бухоролик Шербек Нуров, сирдарёлик Аброр Раҳимов, андижонлик Рустам Қурбонов, фарғоналик Ислом Зокиров каби кўплаб ёш спортчилар ўз вазн тоифасида ғалаба қозонди.

Мусобақа ғолиблари терма жамоа таркибига жалб этилиб, шу йил бўлиб ўтадиган Осиё ва жаҳон чемпионатида қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Чемпионатда энг кўп медаль жамғарган пойтахтлик таэквондочилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Бухоро ва Сирдарё вилоятлари спортчиларига насиб этди.

Каратэ

# МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

***Қарши шаҳрида ашихара-каратэ бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун муросасиз баҳс олиб борди.***

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Мирзабек Сувонқулов, Жасурбек Эшмуродов, Фозил Қодиров, Беҳзод Норқулов, Гулрухсор Саидолимова, тошкентлик Акмал Рустамов, Шуҳрат Ҳасанов, қашқадарёлик Арслон Раҳматуллаев, Мурод Ғуччиев, Рамазон Темиров, Шомурод Мўминов, Ҳасан Эргашев, Барчингул Тиловова, Насиба Холдорова, самарқандлик Меърож Саъдуллаев, Жасур Аминов ўз вазн тоифасида рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Мусобақада қайд этилган натижаларга кўра, энг кучли деб топилган спортчилар терма жамоа таркибида халқаро мусобақаларда иштирок этади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

## ТЎРТЛИКЛАР

Сабодан сачраган садони суйдим,
«Сегоҳ» сеҳридаги саҳрони суйдим.
Савдойи Сайҳунман,
сўрмадинг, санам,
Ситамларинг солган
савдони суйдим.

* * *

Тавозе мезбоннинг юзидаги нур,
Ташаккур меҳмоннинг кўзидаги нур.
Ва лекин даврани мунаввар этар,
Бир оқил одамнинг сўзидаги нур.

* * *

Ҳар қушнинг қанотида
осмоннинг қадри бордир,
Бир кўнгил баётида минг
кўнгил дарди бордир.
Бир жоннинг жамолига юз
зеру забар керак,
Сочингни ҳар толасин
Оллоҳдан қарзи бордир.

* * *

Меҳр осмонида бир тўлин моҳим,
Қошимда парвона ёлғиз паноҳим,
Қўлларим очилган кўкда нигоҳим,
Она, умр берсин сизга Илоҳим.

* * *

Ташнасан, бир култум
сувда ороминг,
Тириксан, тўлгайдир
қўлдаги жоминг,
Кўнгил дарёсидан гар
ҳикмат тутсанг,
Дилларда гул бўлиб юз очар номинг.

* * *

Тўртликда тўрт қувонч
тизилиб турди.
Тўртликдан тўрт армон
узилиб турди.
Хайёму Бедилдан мададлар тилаб
Маҳмуд ҳам дил-дилдан
бир суҳбат қурди.

* * *

Мен кўксимни қуёшга тутдим,
Бир хокисор дилдошга тутдим,
Қуёш уфққа ботиблар кетгач,
Дийдамдаги кўз ёшига тутдим.

(Давоми бор)

**Маҳмуд ТОИР**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **8 март** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғиш эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Мирobод қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Юнусов Муроджон Собит ўғли номига берилган R-358 рўйхат рақамли, К — 1869039 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ